

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 143 (1469), 2025 йил 15 июль, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ТОШКЕНТНИНГ УЧ НУҚТАСИ ЯНГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА



Президент ташрифидан сўнг

Пойтахтимизнинг қоқ марказидан ўтган Бунёдор кўчасини кўпчилик яхши билади. Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларини боғлаб турувчи мазкур кўча доим одамлар билан гавжум. Атрофидаги қурилиш ва бунёдорлик ишлари сабаб бир неча йил олдин келган одам ҳозир бу ерларни танисмай қолса керак. Йўл ўша, йўналиш ўша, аввалдан мавжуд бўлган санъат ва маданият масканлари, кўп қаватли уйлар, супермаркет ва ресторанлар ҳам ўшадек, аммо энди уларнинг атрофида замонавий бинолар, ўзгача кўринишдаги ландшафт дизайни, янги фавворалар пайдо бўлди. Бунёдор кўчасининг 1,5 километр қисми эса хизмат кўрсатиш ва гастротуризм кўчасига айлантирилди.



30 йиллик маҳалла янги қиёфада

Негадир Бунёдор кўчасидан ўтишни ёқтираман, йўлим шу томонда бўлмаса ҳам, тез-тез ўша кўча бўйлаб юраман. Қандайдир файзли кўча, атрофидаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройи, Миллий боғ ва бошқа қатор жойлар аввалдан қадрли. Ҳозир уларнинг олдида янада замонавий

дам олиш масканлари, баланд бинолар, янги манзиллар пайдо бўлган. Кўчанинг йўл бўйлаб қатор овқатланиш ва хизмат кўрсатиш масканлари тушган бир қисми гастротуризм кўчаси сифатида одамларга хизмат кўрсата бошлабди. Алоҳида ва ўзига хос ландшафт дизайни қилинган.

Кўчага ёндош ҳудудда Камолон, Янги Камолон ва Камолон дарвоза маҳаллалари бор. Уларда 18 мингга яқин аҳоли

истиқомат қилади. Фотограф шеригим билан гастротуризм кўчаси бўйлаб юриб, Янги Камолон маҳалласини изладик. Олдимиздан ўнг қўлга қайриладиган кўча ва катта арка чиқди. Ана шу биз излаган манзил. Сал ичкарига кирганимиздан кейин маҳалла биноси кўринди. Машинани маҳсус жойга қўйиб, атрофни кўздан кечириш

Давоми 3-бетда



Камбағалликдан фаровонлик сари

ТАРАҚҚИЁТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

ҚАЧОНКИ ОДАМЛАРДА МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ИНТИЛИШ ВА ИШТИЁҚ БЎЛСА

Яхши яшашни ҳамма истайди. Бунга эса теран фикр, астойдил меҳнат ва режали амал билан эришилади. Одамлари бой мамлакат қудратли бўлади. Юригилаётган сиёсатимизнинг мақсади ҳам фуқароларни камбағалликдан чиқариш, рўзгорини обод қилиш, бир сўз билан айтганда, ҳаммани рози қилиш.



Бу ҳақда кўп ва ҳўб гапирилаётгани бежиз эмас. Ўтган йиллар давомида бу борада бир қанча меъриёи ҳужжатлар қабул қилинди, илгор тажрибалар оммалаштирилди. Кимки нимани таклиф қилаётган бўлса, аввало, халқни ўйлаётган, юртнинг эртаси учун қайғуряпти.

Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар кўрсатилди, дастур ишлаб чиқилиб, масъуллар белгиланди.

Фармон асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Дастур “Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширилиши қайд этилди. Бу нима дегани? Содда қилиб айтганда, тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилди, 2024-2025 йилларда камбағал оилалар фарзандларини хорижий тилларга, касб-хунарга ёки мутахассисликка ўқитиш учун шaroит яратилди.

Давоми 5-бетда

МУҚОБИЛИ ЙЎҚ МАНБА

УНИ НА БОЙЛИК, НА КАШФИЁТ БИЛАН ЯРАТИБ БЎЛАДИ

Одатда бирор мавзу катта муаммога айланиб, аянчли оқибатлари ҳаётимизда акс эта бошлагандан сўнггина унинг олдини олишга киришамиз. Ваҳоланки, унинг келажак ҳолати белгилари аллақачон кўрина бошлаган бўлади.

Дунё учун умумий долзарб муаммолардан бири сув таъминоти ва танқислигидир. Бугун бу долзарб муаммогина эмас, чегара билмас, том маънода ҳаёт-мамот масаласига айланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу боис, нафақат маҳаллий, кўп-

гина халқро анжуманларда ҳам бу мавзу четда қолмаяпти, аксинча, мунтазам бонг урилмаса бўлмайдиган мавзуга айланган.

Ўтган йил 20 ноябрда давлатимиз раҳбари 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб

номланишига алоҳида изоҳ берган эди. Табиийки, мазкур изоҳ моҳияти табиатни ва унинг тирикчилиги манбаи бўлган сувни асраб-авайлашга ҳам бориб тақалади.

Жорий йил апрель ойида Президентимиз Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган иқлим форумидаги маърузасида ҳам мавзуга алоҳида урғу берди: “Биз аллақачон инсониятнинг энг йирик фожиаларидан бири — Орол денгизи қуриши оқибатларини бошдан кечирмоқдамиз. Биз сув ресурсларини

тежаш мақсадида ирригация тизимларини бетонлаштиряпмиз. Сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича sanoat базасини яратдик, сугориладиган ерларнинг деярли ярмида ана шундай технологияларни жорий этдик (бу салкам икки миллион гектар ер майдони демакдир). Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 8 миллиард метр куб сувни тежашга муваффақ бўлдик”.

Тадқиқотчилар сув танқислиги кучаяётганини, бир томондан, аҳоли сони йил сайин ошиб бораётгани, иқлим ўзгариши ва сугориш тизими эскиргани билан боғлашади. Инфратузилмани яхшилаш ва сув тежовчи технологияларни татбиқ этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, ҳануз сув таъминоти барча соҳа, айниқса, қишлоқ ҳўжалигида ва қатор шахарларимизда жиддий муаммолигича қолаёттир.

Давоми 4-бетда

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР ТАНТАНАСИ

Президентимизнинг шу йил 10 июлдаги қарорида мамлакатимиз мустақиллигининг улкан аҳамияти инобатга олиниб, миллий истиқлолимизнинг шонли санасини янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-этиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда нишонлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.



Соғлиқни сақлаш соҳасига бир назар

Биргина соғлиқни сақлаш соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, унда энг аввало, инсон қадрли, саломатлиги ва юрт истиқболи учун амалга оширилган кўпгина ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Давоми 2-бетда

СПОРТДАГИ ҒАЛАБАЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ЭСА БУНГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ


Аксарият катта авлод вакиллари бугунги ёшларнинг ўрнида бўлиб қолгиси келади. Илм-фан, техника, маданият, умуман, қайси соҳани олмайлик, уларга яратилаётган имкониятларга ҳавас билан боқади. Бунинг ортидан фарзандим олим, санъаткор, айниқса, машҳур спортчи бўлиб, Ўзбекистонни бутун дунёга танитсин, дейдиган ота-оналар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли. Чунончи, мамлакатимиз спортида эришилаётган оламшумул ютуқлар, бунинг ортидан бўлаётган дунёвий эътирофлар уларни кун сайин руҳлантираётгани аниқ.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзи Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори спортчилар қатори уларнинг ота-оналарига ҳам кўтаринкилик улаши, десак хато бўлмайди. Зеро, қарор янги тизимда, янгича ёндашув билан, гоят чуқур ўрганилган ҳолатда қабул қилинган тарихий ҳужжатлардан бири бўлди. Қарор шу маънода спорт турларини дифференциал ёндашув асосида ривожлантиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Бунинг самараси ўларок, эндиликда республикамиз бўйлаб 254 та спорт мактаби, олимпия йўналишларига ихтисослашган 56 та спорт мактаби миллий терма жамоаларга асосий захира бўлади. Зеро, амалдаги натижалардан келиб чиққан ҳолатда 44 та олимпия спорт

тури 3 тонфага бўлинди. Доимий равишда нуфузли мусобақаларда ва олимпиадаларда медалларни олиб келаётган 5 та устувор спорт турларида медаллар сонини ошириш вазифаси қўйилди. Чунки бу йўналишларда иш рисоладагидек борапти, мураббийлар яхши, ўзига яраша стратегия ҳам, имконият ҳам бор. 18 та истиқболли спорт турлари бўйича лицензияни қўлга киритганмиз. Шунинг учун бу борада медаллар ва лицензиялар сонини ошириш белгиланди. 21 та спорт турлари бўйича эса лицензияларга эга бўлишимиз керак. Айна мақсадда Спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, барча федерациялар раҳбарияти ва мутахассислар билан бир-галикда қисқа ва узоқ муддатли стратегиялар асосида мақсадли, тизимли ва пухта иш олиб борилади.

Давоми 2-бетда





Зухра МИРФОЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим ютуқлардан бири тиббий хизматлар сифатини ошириш ва аҳолига қулай, тезкор ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилиши бўлди. Бугун жойларда янги поликлиникалар ва диагностика марказлари қурилмоқда, врачлар малакасини ошириш дастурлари жорий этилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Айниқса, онкология, кардиология ва болалар тиббиёти каби муҳим йўналишларда халқаро стандартларга камайди, аҳолининг умумий саломатлиги яхшиланди. Бунда жойлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 8,4 миллион хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилгани, улардан қарийб 2,5 миллион нафари амбулатор ва стационар шaroитда соғломлаштирилгани катта самара берди.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари, аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш йўлидаги сайёҳаракатлар барчаси юрдошларимиз соғлиги, ижтимоий ҳаётини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда.

Инновациялар ва рақамли келажакка қадам

Рақамлаштириш, IT ва инновациялар бугун Ўзбекистонда тараққиётнинг стратегик йўналишларига айланиб улгурди. Бу соҳалар иқтисодий, давлат бошқаруви, таълим, тиббиёт ҳамда бошқа кўпгина соҳаларда туб ўзгаришлар, ҳам давлат органлари, ҳам фуқаролар учун бирдек қўлайликларга йўл очаяпти дейиш мумкин. Масалан, рақамлаштириш тўғрисида тезкор ва шаффоф давлат хизматлари сони ортди. Натижада жонли навбатлар сони қисқараяпти, электрон хизматларда инсон омили камайиб, очиқлик ва шаффофлик

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР ТАНТАНАСИ

ортиб борапти. Ҳар бир соҳага рақамли ечимлар жорий этилиб, рақамли таълим платформалари қўпаймоқда.

Илмий-тадқиқот институтларига давлат ва хусусий сектор маблағлари кенг жалб этилиб, ёшлар ўртасида стартап маданияти шаклланди. IT парклар ва технопарклар сони кўпайди, халқаро IT компаниялар билан ҳамкорлик кенгайди. Энг муҳим, болалар ва ёшларни дастурлаш, робототехника, сунъий интеллект каби соҳаларга кенг жалб этиш мақсадида махсус таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиёт сари фаол қадам ташлаётганини аниқлатади.

Бугунги ютуқларимизнинг барчаси юртимиздаги изчил ислохотлар, инсон кадрини улуглашга қаратилган оқилона сиёсат ҳамда халқимиз, айниқса, ёшларнинг тиришқоқлиги ва юксак салоҳияти инфодасидир.

Олимпиада ва футбол тарихимизда янги саҳифа очди

Кейинги йиллар Ўзбекистон спорт тарихида ўзига хос бурилиш нуктаси бўлди. Париж Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз илк бор энг кучли 15 жамоа қаторига кирди. Бу натижа нафақат спортчиларнинг машаққатли меҳнати, балки давлат томонидан яратилган кенг имконият ва замонавий спорт инфра-тузилмаси самарасидир.

Яна бир ҳаяжонли воқеа Ўзбекистоннинг 17 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси ҳамда футбол бўйича миллий терма жамоамиз қўлга киритган тарихий

этилаётгани Ўзбекистоннинг маданий имижини мустаҳкамламоқда. Санъат орқали мамлакатимиз тарихи ва бугунини жаҳонга танитиш борасида аниқ қадамлар қўйилмоқда.

Маданий дипломатия бугун Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Юртимиз маданияти, халқимиз урф-одатлари, асрдан асрга ўтиб келаётган миллий қадриятлари ва анъаналарини акс эттириш ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мақом, бахшичилик, ҳунармандлик каби турли йўналишларда халқаро фестиваллар ташкил этиляптики, бу хорижлик сайёҳлар, санъатшуносларда қизиқиш уйғотиш билан бирга, Ўзбек маданиятини дунёга тараннум этипти. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг хориждаги маданият марказларида Ўзбек маданияти кунлари, миллий кинофильмларимиз намойиши каби тадбирлар ўтказилмоқда. Чет эл кинотеатрларида намойиш этилаётган олтин фондизмиздаги “Суюнчи”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби миллий кинофильмларимиз орқали мамлакат тарихи, анъаналари ва замонавий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиняпти.

Бир сўз билан айтганда, бугун маданий дипломатия халқаро майдонда бетакрор миллий либосларимиз, Ўзбек таомлари ва жозибали рақсларимиз орқали “Ўзбекистон бренди” яратилишига имкон яратмоқда.

Келинг, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Миллий мерос объектлари қайта тикланиши, театр, кино, адабиёт ва рассомлик соҳаларида янги асарлар яратилиши, ёш ижодкорларга давлат грантлари ҳамда нуфузли мукофотлар берилиши... Буларнинг барчаси юртимизда маданият ва санъат соҳасида кенг камровли ишларнинг амалий маҳсулидир.

Кўп миллатли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити, шубҳасиз, бебаҳо бойлигимиз. Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда яхши кўшниччилик, ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини кучайтиришдаги ўрни ва нуфузи ортиб борапти. Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида очиқ, демократик ва дунёвий давлат сифатидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора юксалаётгани кейинги йилларда эришилган катта ютуқларимиздан.

Ватанимиз мустақиллиги тантаналари ҳар йили давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори билан кенг нишонланиши бежиз эмас. Чунки ҳар қандай миллат ва халқ учун энг муқаддас қадрият, шубҳасиз,

хуррият, эркинлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир.

Мустақиллик қадри қанчалик бетакрор, олий нёзват эканини сўз билан ифодалаш қийин, албатта. Айниқса, бугун геосиёсий вазият издан чиқиб, мамлакатлар хавфсизлигига таҳдидлар кучайган бир пайтда мустақиллик деган буюк нёзватнинг қадри нақадар улғуворлигини юрак-юракдан ҳис қиляёмиз. Шу боис, кексаларимиз ҳар доим Ўзбекистон мустақиллиги абадий бўлишини, тинчлик ва осойишталиги бардавом бўлишини тилаб, дуо қилади.

Шу азиз юрт фарзанди, миллий қонунчилигимиз ижодкори сифатида фан, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва ахборот технологиялари каби устувор йўналишлардаги сайёҳаракатлар, ўзгаришлар бизни янада аниқ ва улкан мақсадлар сари етаклайди.

Ислохотлар — бу жараён. Уни самарали давом эттириш учун нафақат ижро органлари, балки халқ вакилларининг фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бизнинг энг катта умидимиз — халқ ишончи. Биз ана шу ишончни оқлаш, ҳар бир соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янги имкониятлар яратиш йўлида бор билим, куч-ғайратимизни сафарбар этамиз. Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллик байрами биз юқорида қайд этган ютуқларимиз, ушалаётган орзуларимиз тантанаси сифатида ҳаётимизнинг унутилмас дамларига айланишига шубҳа йўқ.



СПОРТДАГИ ҒАЛАБАЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ЭСА БУНГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ



Шерзод ТОШМАТОВ, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Олимпия ўйинлари босқичча-босқич бўлади. Мақсад — кўйи бўғинда қолиб кетаётган иқтидорли спортчиларни кашф этиш. Бунинг учун республика мусобақалари “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” номи билан уч босқичли тизимда ўтказилади. Яъни минтақавий, ҳудудий босқич ва Президент олимпиадаси кўринишида.

Биринчи босқичда ҳудудий яқин туман ва шаҳарлар бирлаштирилиб, минтақаларга бўлинади. Бунда ўрта таълим мактабларидаги тўғрақларда, спорт клубларида шугулланаётган иқтидорли спортчилар қамраб олинади. Улар спорт мактаблари билан рақобатлашади. 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритганлар иккинчи — вилоят босқичига ўтади. Бу босқичда ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва мактаб-интернатлари ҳам қўшилган ҳолда курашилади. 1-рақамли спортчилар Президент олимпиадасига етиб боради. У ерда ҳар битта ҳудуддаги Олимпия ва Паралимпия марказларида спортчилар қўшилиб беллашади. 1-, 2-рақамли спортчилар тўғридан тўғри республика Олимпия ва Паралимпия марказларига жойлаштирилади. 3-ўрин эгалари эса ҳудудий марказларга йўналтирилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, марказлар контингенти 600 нафардан 800 га етказилади. 1-2 босқич талабаларига спорт вазирилгининг стипендияси жорий этилиши ҳам спортчиларни маълум маънода руҳлантиради. Чунончи, спортчи оилада биргина фарзанд бўлиши мумкин. Унда, албатта, “Ота-онамиз моддий таъминлашим керак”, деган тушунча, масъулият бўлади. Олимпия ва Паралимпия марказларида озиқ-овқат, ётоқхона бепул бўлгани боис, спортчи стипендиясини ота-онасига боришига ва бор эътиборини машғулотларга қаратишига хизмат қилади.

Хориж тажрибасидан ҳам кўриш мумкинки, агар спортчи чиндан ҳам умидли бўлса, давлат унга етарлича ва мақсадли маблағ ажратадди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизда ҳам ҳудудлардан сараланган энг иқтидорли спортчилар учун стипендия таъсис этиш, албатта, ўзини оқлайди. Худди асосий терма жамоадаги каби тажрибали хориж мураббийлари ва ўзини маҳоратли мураббийлар биргаликда спортчиларга ўқув-йиғин машғулоти олиб боради ва уларнинг халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлайди. Энг кучлилар нуфузли мусобақаларда қатнашади, белгиланган натижаларга эришиб, олимпиадага йўлланмани қўлга киритади. Бу эса асосий терма жамоага катта заҳира бўлади. Бунинг учун ҳар бир федерация илгор тажрибаларни ўзлаштириши, федерация вакиллари хорижий тузилмаларга аъзо бўлиши керак.

режимда юриш мусобақа ўтгунича эмас, спортчи циклдан циклга бу режимни сақлаши керак.

Даврийлик ҳар тўрт йилда, бироқ орада комплекс мусобақалар бўлиб туради. Умуман олганда, спортчи ва мураббийнинг бир кунлик машғулотига гувоҳ бўлганлар ҳеч қачон уларга осон тутмайди. Шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, ҳар томонлама тажрибали, ўз ишининг усталари бўлган мураббийларимиз, мутахассисларимиз кўп. Уларни терма жамоаларга жалб қилиш орқали сезиларли ўсишга эришамиз.

Қарорини шу маънода ҳам тарихий деб аташ мумкинки, хусусий спорт клублари

ҳам ихтиёрий тарзда реестрга қирадиган бўлса, давлат таълим муассасалари спорт иншоотларидан беғараз фойдаланиши мумкин. Спортчилар қамровидан келиб чиқиб давлат ташкилотларидан ташқари уларга ҳам спорт жиҳозлари инвентарлари етказиб берилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ҳар бир ҳудуд бўйича вакиллари, Миллий олимпия қўмитасининг ўша ердаги бўлим бошлиқлари бўлади. Зеро, спортчиларнинг ўқув-йиғин машғулотларидан ташқари, ўзларининг ҳудудида олиб борадиган спорт фаолияти бўлади. Ҳар икки фаолиятнинг бирдек уш-лашда ҳокимлар ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентнинг қарори билан йўлга қўйилган селекциянинг янги тизими бирор-бир иқтидорли спортчининг қолиб кетмаслигига хизмат қилади. Насиб қилса, биринчи йилнинг ўзида 150 мингга яқин қамров бўлади. Фақат жойлардаги ва республика спорт ташкилотлари ҳамжиҳатлиқда, одилона ёндашиш лозим. Хатого йўл қўядиган бўлсак, иқтидорли спортчимиз мусобақага бормайди. Буни ҳамма чуқур ҳис қилиши керак.




ҳам ҳамкорликларни кенгайтириб бораверамиз. Албатта, ҳар бир федерация натижалари ўрганилиб, таҳлил қилиб борилади.

Аксарият одамлар ўйлаганидек, спортда муваффақият қозониш ўз-ўзидан бўлмайди. Спортчининг битта медални қўлга киритиши ортида кўпчиликнинг меҳнати ётади. Шундай спорт турлари борки, спортчи шахсий мураббий ва катта мураббий керак бўлади. Шунингдек, спортчи диетолог, психолог, шифокорнинг назоратида, тартибли ҳаёт тарзида яшайди. Ҳар бир спорт тури бўйича мана шундай интеграцияни кучайтириш керак.

Спортчиға масъулларнинг ўз вазифалари ҳам тўғри тақсимланган ҳолда олиб борилиши керакки, буни профессионал мураббий, албатта, билади. Масалан, спортчи кечкурун ўз вақтида ухласа, организм кунлик озуқани ололмайдди. Эртаси кунни бу унинг асабига таъсир қилади. Мумкин бўлмаган ҳолатлардан кейин кўп микдорда сув ичиб юборса, яна муаммо туғилади. Умуман, спортчида ҳар хил ҳолат бўлади. Айтайлик, шамоллаб қолиши мумкин. Тўғри, касалланиш билан боғлиқ ҳолатларда қандай муолажаларни олиб бориш кераклиги юзасидан ўқув йиғинлари, семинарлар ташкил қилинади. Аммо юқоридаги қарор билан бу борадаги тезкорликни ҳам ошириш кўзда тутиляпти. Яъни спортчи қайси дорини ичиши керак? Унинг таркибида қандай модда борлигини билиш учун “колл марказ”лар ташкил қилинади. Бу орқали спортчи 24 соат давомида уларга кўнгирок қилиб, дори ҳақида тезкор маълумот олиши мумкин. Зеро, соғлом турмуш тарзига амал қилиш,

Иқтидорли спортчиларни қанча қўлласак, ота-оналарда шунча ишонч ортади, фарзанднинг спорт тўғрақларига олиб боради. Мураббийлар эса чинакам иқтидорни етказиб бергани учун устама ҳақини олади. Давлатимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланади. Худудлардаги спорт мактабларидан тайёрланиб келиб, Олимпия ва Паралимпия марказларига жойлашган, нуфузли мусобақаларда яхши ўринларни оладиган спортчиларнинг биринчи тренерлари доимий равишда 10 фойздан устама олади. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида тўланган стипендиялар, мукофот пуллари, турли хил тўловлар, бошқа маблағлардан келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича харажатлар давлат бюджетидан қўлга берилиши белгиланди. Бу имтиёз илгари фақат 4 йилга, олимпия цикли давомида берилган. Бундан ташқари, тайёргарлик жараёнида зарур бўладиган профессионал спорт жиҳозлари, фармакологик воситаларни олиб киришда давлат божидан озод қилинади. Буларнинг баридан мақсад битта — Ўзбекистон спортини ривожлантириш, спортчиларимизга кенг йўл очиш, имкониятлар яратиш. Чунончи, бу йўлдаги ишларимизга, ҳолисона ёндашувга гувоҳ бўлган ёш авлод орасида ўзбек спортининг умидли вакиллари улғая бошлайди. Бу эса, ўз-ўзидан спорт соҳасидаги сезиларли силжишларга гувоҳ бўлишимиз, янги-янги эътирофларни эшитишимизга хизмат қилади.

21 та кўп қаватли уйдан иборат, 4600 дан ортиқ доимий аҳоли истиқомат қилаётган пойтахтимиздаги Янги Камолон маҳалласида инсонларнинг фаровон яшаши учун барча қулайликлар яратилди. Натижада жорий йилда маҳалла яшил тоифага кириб, обод, хавфсиз, ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Маҳаллани томоша қилиб, манзарасидан завқ оларканман, айнан мана шу сўз ҳаёлимга келди: қандай обод маҳалла!



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ниҳоятда сокин, тоза-озода, тартибли манзил. Бир томонда яқинда таъмирлангани кўриниб турган кўп қаватли уйлар, ҳар бирининг олди яшил ҳудуд, ҳовлининг ўртасида замонавий жиҳозланган болалар майдончаси, бир чеккада машиналар турар жойи, бурчакда маҳалла биноси, унинг ён томонида дала дўкони, қандалат дўкони ва новвойхона, бери-роқда эса бир қарашда эътиборни тортадиган айлана шаклидаги ноодатий кутубхона. Булар тасаввуримиздаги эмас, биз кўрган реал маҳалла кўриниши. Барчаси шу қадар тартиблики, одамнинг баҳри дили очилади. Худди бир хонадоннинг шинам ҳовлисига ўхшайди.

Аваллига бу ерда кўп қаватли хонадонлар борлигига иккиландим ҳам. Чунки бир қарашда, ҳовлилардан иборат файли маҳаллани ёдга солиди. Кейин қарасам, атрофдаги хонадонларнинг бари кўп қаватли. Барибир манзара одатдаги кўп қаватли уйлардан фарқ қилади, тўғриси. Ҳавоси ҳам салқин, атрофдаги даракларнинг иси келаётгандек. Биз борганда вақт тушга яқинлашган, ҳаво ҳарорати анча юқори, маҳалла эса шаҳарнинг қоқ марказида жойлашганига қарамай, қандайдир салқинлик сезилди.

Айтишларича, Янги Камолон маҳалласига бундан олти ойлар олдин келган одам бутунлай бошқача манзарага дуч келарди. Кўп қаватли уйлар йиллар давомида таъмирланмаган, биринчи қаватга туташ ерлар аҳоли томонидан ўраб олиниб, қаровсиз қолдирилган, дараклар ўсиб кетган, одамлар кечаси у ёқда турсин, кундузи ҳам юришга ҳайкадиган ҳолатдаги абгор ҳудуд бўлган. Шаҳар маркази бўлишига қарамай, ҳудуд эътибордан четда қолган. Ободонлик ва таъмирлаш ишларини одамлар йиллар давомида ўз ҳисобидан, шунда ҳам фақат хонадони атрофида амалга оширган. Умумий майдонлар, болалар майдончаларига ҳеч ким қарамаган, қаровсиз ётган. Қолаверса, маҳаллада ишсизлик ва жиноятчилик ортгани, коммунал ва бошқа соҳаларда муаммолар кўп бўлгани сабаб қизил тоифада турган.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан Янги Камолон маҳалласини шаҳар марказидаги энг обод маҳаллалардан бирига айлантириш вазифаси қўйилди. Ўтган йил охиридан маҳаллани тубдан ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Вазирликлардан тортиб, ҳокимларгача бу ишга енг шимарки киришди, катта ишлар амалга оширилди. Маҳалладаги барча эски кўп қаватли уйлар таъмирланиб, 10 га яқин болалар майдончаси, спорт майдончалари қурилди. Сугорилиш тизими йўлга қўйилиб, 5 мингдан ортиқ ўсимлик, минглаб гул кўчатлари екилди. Бу йил ҳунармандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона ташкил этилди, хусусий тиббиёт пункти очилди. Ҳозир 60 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд.

Умуман, 21 та кўп қаватли уйдан иборат, 4600 дан ортиқ доимий аҳоли истиқомат қилаётган пойтахтимиздаги Янги Камолон маҳалласида инсонларнинг фаровон яшаши учун барча қулайликлар яратилди. Натижада жорий йилда маҳалла яшил тоифага кириб, обод, хавфсиз, ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Маҳаллани томоша қилиб, манзарасидан завқ оларканман, айнан мана шу сўз ҳаёлимга келди: қандай обод маҳалла!



ТОШКЕНТНИНГ УЧ НУҚТАСИ

ЯНГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА

Маҳамадин ЭРҒАШЕВ, Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Камолон” МФЙ раиси:

— Маҳаллаимиз ҳам тарихий, ҳам замонавий манзил. Гап шундаки, тарихдан Тошкент шаҳрининг 12 та дарвозаси бўлиб, шулардан бири Камолон дарвозаси ҳисобланган. Шу ерда Камолон маҳалласи ҳам бўлган. Мустақилликдан кейин — 1995 йилда ўша маҳалладан алоҳида Янги Камолон маҳалласи ташкил этилди. Шу воқеага бу йил 30 йил тўлди. Айнан давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан бу маҳалланинг бутунлай қайта таъмирланиб, обод қилингани юбилейга ўзига хос совға бўлди, десак хато бўлмайди. Ва маҳалла шу қадар ўзгариб, янги қиёфага кирдики, худди қайтадан ташкил этилгандек бўлди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада, айниқса, аҳоли учун яратилган иш ўринларидан мамнун бўлди. Ҳозир маҳаллаимизда ишсиз одамнинг ўзи қолмаган. Ўтган йили охирида мавжуд 42 ишсизнинг барчаси иш билан таъминланди. Маҳаллаимизга бириктирилган банк томонидан савдо дўконлари қуриб берилиб, улар кам таъминланган оила аъзоларига фойдаланишга топширилди. Ушбу фуқаролар фойдага кирмагунича, улардан ижара ҳақи олинмайди. Қолаверса, бу фуқароларга дўконни юритиш учун имтиёзли кредитлар ҳам ажратилди. Шу йилнинг ўзида минн лойиҳалар учун 18 та имтиёзли кредитлар берилди.

Ўтган йили “Аёллар дафтери”да 200 га яқин одам турган бўлса, шундан ишга лаёқатли бўлганларининг бандлиғи тўлиқ таъминланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларга эса ёрдамлар кўрсатиб келинпти. Бундан ташқари, маҳаллада 6 та



билан 2022 йилда маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари, 2023 йилда ёшлар билан ишлайдиган вакил, ўтган йили ижтимоий ҳодим, солиқчилар кириб келган бўлса, бугунги кунда уларнинг қаторига “маҳалла банкир”лари қўшилди.

Бирорта ишсиз қолмади

Яъни энди улар “маҳалла саккизлиги”га айланди. Биргаликда бир куч бўлиб, маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг бандлигини таъминлаш, муаммоларига ечим бериш, ҳар қандай масалани маҳалланинг ўзида, керак бўлса, фуқаро хонадонидан ташқарига чиқмаган ҳолда ҳал этилишига амалий кўмак берапти.

Маҳаллада тадбиркорликка қизиқувчилар кўп, аммо аксарининг маблағи йўқ. Янги савдо дўконлари қурилиб, кам таъминланган оилалар аъзоларига имтиёзли шартларда берилгани айнни муддао бўлди. Масалан, шу ердаги аёлларнинг бири новвойхонани олиб, иш юритяпти. Даромади ёмон эмас — ойига 10-12 миллион сўм топяпти. Икки кишини иш билан таъминлаган.

Нон қулиқ истеъмол қилинадиган маҳсулот, деярли ҳар бир хонадондан харидор топилади. Бир муддат шу ерда ўтириб, кузатдим. Новвойнинг қўли қўлига тегмайди. Аёл билан ҳам суҳбатлашдим. Оиласида 5 киши истиқомат қилар экан. Фарзандлари ҳали кичик ёшда. Турмуш ўртоғи ва ўзи шу новвойхонани юритяпти, асосий даромадлари шундан. Очиги, бир лойиҳани ўйлаб топиб, уни амалга оширишнинг ўзи минг машаққат. “Янги Камолон” МФЙ ҳоким ёрдамчиси Ифтихор Қаҳрамонов эса ўнлаб оилаларни тадбиркорликка йўналтириб, бандлигини таъминлашга кўмаклашди. Айтишича, йил бошида маҳаллада 57 та тадбиркорлик субъекти бўлган, ҳозир уларнинг сони 97 тага етди. Ўзи 32 ёшда бўлган бу йигит янги лойиҳаларни ишга туширишни қандай уйдалаётгани билан қизиқдим.

— Бу ишларни маҳалла ва шу ердаги корхоналар, давлат идоралари билан биргаликда амалга оширялмиш, — дейди Ифтихор Қаҳрамонов. — Аввало, ишсиз фуқаронинг ўзи билан гаплашиб, унинг қизиқиши, имкониятлари, лаёқатини ўрганамиш. Қўлида бирор ҳунари бўлмаганларни аввал бепул ўқитиб, кейин ишга йўналтирамиш ёки шогирдликка туширамиш. Агар ҳунари бўлса, иш бошлаши учун моддий кўмак берамиш. Масалан, йил бошида маҳаллаимиздаги бир аёл хориждан қайтиб келиб, ишсизлиги сабаб бизга мурожаат қилди. Аввал тикувчилик қилгани, ҳозир эса тикув машинаси йўқлигини айтди. Иш бошлаши учун 20 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашдик. Қарабсизки, уйда парда тикишни йўлга қўйиб, синглиси ва жиянини ҳам иш билан таъминлади.

Бундай мисоллар бисёр. Шу кунларда мактаб битирувчилари ҳам маълум вақт ишлаш истағи билан чиқади. Уларга ҳам кўмаклашамиз. Маҳаллаимиздаги Бунёдор кўчасида овқатланиш масканлари, сартарошхоналар кўп. Ана шуларнинг раҳбарлари

Ҳозирча Ўзбекистонда ягона маскан

Бир неча километр нарида Шайхонтоҳур тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази жойлашган. Ўша ерга бориш баҳонасида шегритим билан маҳаллани пиёда кездик. Ўзимиз шегритимга “Қандай чиройли, тартибли маҳалла, худди шаҳар ичидаги шаҳарга ўхшайди, бир эмас, барча кўп қаватли уйлари атрофи шундай обод қилинбди, қаровсиз жойнинг ўзи йўқ-ку!” деган гапни бир неча бор такрорладим. Шегритимнинг ўзи ҳам янги қурилган кўп қаватли уйлардан бирида тургани бос, “Бизнинг маҳаллаимиз ҳам шундай”, деди. Кейин ўйладим, чиндан ҳам ҳозир кўп қаватли уйларда маҳаллалар шундай обод, шинам бўлиб, яшил ҳудудлари кенгайиб бормоқда. Одамлар ўзини олдингидек, деворлар орасидаги димикқан жойда эмас, замонавий ҳудудда яшаётганини ҳис қиляпти.

Хуллас, маҳаллани сайр қилиб завқ олдим. Негадир ҳеч нарса бегона туюлмади, худди ўз маҳаллаида юргандек бўлдим, одамларнинг юзи ҳам илиқ, танишдек. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига кирганимизда илиқ кутуб олишди. Фуқаро билан суҳбатлашяётган қиз раҳбар хонасини кўрса-



тиб юборди. Кўни кеча давлатимиз раҳбари шу ерда бўлиб, марказ фаолияти билан ҳам танишган. Бу ерда фуқароларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилади. Ҳозир шундай марказлар юртимизнинг барча туман-шаҳарларида мавжуд. — Туманда 9 мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар бўлиб, уларга зарур хизматларни кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган, — деди Шайхонтоҳур тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори Жавлонбек Умаров. — Кўн давомида 100 дан ортиқ фуқаро мурожаат билан келади. Бундан ташқари, туманда 51 та маҳалла бўлса, ҳар бирида биттадан ижтимоий ҳодим бор. Уларнинг ҳар бирига кўнига 10 дан ортиқ мурожаат тушади. Ўзлари ҳам маҳаллаларда уйма-уй юриб, муаммоларни ўрганади. Авваллари ижтимоий

ёрдамларнинг барчаси турли ташкилотларда кўрсатилган. Масалан, ногиронлиқни белгилаш бошқа жойда, уларга нафақа тайинлаш бошқа жойда, ёлғиз кексалар билан ишлаш бошқа жойда ва ҳоказо. Бугунги кунда ана шуларнинг бари битта марказда кўрсатилиб, ўндан ортиқ барча хизматлар автоматлаштирилган.

Жорий йилнинг май ойида ушбу марказ билан ҳамкорликда ишлайдиган “Имкониятлар олами” маркази ҳам ташкил этилди. Ҳозирча бу марказ юртимизда ягона ҳисобланади. Муассасада 3 ёшгача гўдаклар учун эрта аралашув, ногиронлиги бўлган болалар учун ижтимоий мослашув ва реабилитация, шунингдек, кундузги парварिश ва қараб туриш хизматлари ташкил этилган. Айниқса, кундузги парварिश хизматлари ногиронлиги бор фарзандни тарбиялаётган оналар учун катта қулайлик яратмоқда. Улар фарзандини малакали мутахассислар қўлига топшириб, ўзи жамиятга аралашиб, ишлаш имкониятига эга бўлмоқда. Кундузги парваришга 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Ҳозирги кунда 18 нафар бола қамраб олинган. Исталган фуқаро марказ хизматларидан фойдаланиши мумкин. Кам таъминланган оилаларга эса бу хизматларнинг тўливи давлат томонидан субсидия асосида қоплаб берилади.

— Бу ерда нархлар анча арзон экан, бир ойлик тўловимизни аввал хусусий клиникаларга бир кун учун берардик, — дейди Лабзак маҳалласида яшовчи Сарвиноз Абдувалиева. — Фарзандим 1,5 ёш, Даун синдроми билан туғилган. Ривожлантириш мақсадида икки ойдан буён ана шу марказдаги логопед, укалалаш муолажаларига олиб келялман. Яна бир қулайлиги, барча хизматлар шу ернинг ўзида бор экан. Кундузги парвариши ҳам оналар учун қулай. Ҳар бир болага алоҳида эътибор қаратилади.

Иқтисодий ўсиш омили

Инсон ўзидан ва оиласидан кўнгли тўлиб яшаши учун доимий даромадга эга бўлиши муҳим. Юртимизда мақсад қилинган камбағалликни қисқартириш вазифаси ортида ҳам шу турибди. Кўпроқ бўли иш ўринлари яратиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширмоқда. Бу борада саноат ҳудудларининг ўрни алоҳида. Масалан, битта туманда битта саноат зонаси бўлса, қанчадан қанча одамни шу ернинг ўзида бандлигини таъминлаш мумкин.

Чилонзор тумани Бешқўрғон ва Тирсак-обод маҳаллалари ҳудудида жойлашган саноат зонаси аввалдан бўлган. Аммо тартибсиз эгallaб олинган ерларда инфратузилма ва бошқа масалаларда кўплаб муаммолар мавжуд эди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 3 июлдаги қарори билан саноат ҳудуди қайтадан ташкил этилиб, транспорт,

металл конструкциялар ва қувурлар — кўнига 500 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ички бозордан ташқари, Туркменистон, Қозғистон, Россияга экспорт қилинади. Маҳсулотларга мебель саноати, қурилиш соҳаси, газ ва сув таъминоти йўналишларида талаб юқори.

Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодировнинг айтишича, мазкур саноат ҳудудининг ташкил этилгани туманининг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ортишида муҳим йўналишга айланди. Ҳудуддаги тадбиркорлик ривожига ҳам ҳисса қўшяпти. Янги иқтисодий лойиҳалар сони ортмоқда. Ўтган йили туманда 356,1 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 700 миллион долларга етказиш режа қилинган. Шу йилнинг ўзида қиймати 221 миллион долларлик 58 та лойиҳа ишга туширилиб, 3295 та иш ўрни яратилиши кўзланган.

Бу лойиҳаларнинг бир қисми саноат ҳудудидан жой олади. Айни пайтда кичик саноат зонасида корхоналар сони 531 тага етиб, уларда яратилган иш ўринлари сони 20 мингтага яқинлашди. Тадбиркорлар ҳам саноат зонаси тубдан ўзгариб, шароитлар яхшиллангани, йўллар раван бўлганидан мамнун.

Фикрат МАДИЕВ, компанияси раҳбари:

— Аввал, ҳудудда йўллар жуда ёмон эди, ҳеч ким келишни истамасди. Ҳозир ҳар кўни ҳамкорлар, харидорлар келади. Йўллар қандай раван бўлгани, ҳудуд ободлигини ўзин-



ғиз ҳам кўряпсиз. Охириги бир йилда электр токи умуман ўчмади. Яъни биз, тадбиркорларнинг янада фаол ишлаб, ривожланиши учун керакли шароитлар яратиб берилади. Бунинг эъзасига саноат ҳудудиди янги корхоналар кўпаяди, улар орқали туманда қўшимча иш ўринлари, солиқ тўловчилар пайдо бўлади. Бу иқтисодий фаровонлиқнинг ўсишига олиб келади.

Корхонаимизда 40 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон бозорига доим муқобили йўқ маҳсулотлар билан янгилчи олиб киришга ҳаракат қиламиз. Кўплаб маҳсулотларимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам муқобили йўқ. Масалан, альюминдан ясалган бассейн қопламаси фақат бизда чиқарилади. Альюмин қопламали автоматик очиб-ёпиладиган био иқлимий айвоннинг ҳам ҳозирча юртимизда муқобили йўқ. Бугунги кунда маҳсулотларимизни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига экспорт қиляпмиз.

Тадбиркорнинг ривожланишида асосий омил қулай иш муҳити, зарур шароитлар ҳисобланади. Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорларга берилаётган катта имкониятлар сабаб 8-10 баравар ўсди. 15 йилдан бери шу соҳада фаолият юритаётган бўлсак, ҳозир тадбиркорлар жуда эркин деб айта оламиз. Масалан, ҳозир дарвозамиз ҳаммага очик, Олдинлари қўрқув, ҳадик сабаб эшикларимиз ёпиқ турарди.

Шароит бўлган жойда ривожланиш ҳам бўлади. Тадбиркорлар ривожланса, кўпроқ аҳоли бандлиги таъминланиб, фаровонлиги ошиб бораверади. Давлатимиз раҳбари олдимизга қўяётган асосий масалалардан бири ҳам кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш бўляпти. Ҳозир корхонаимизда 50 нафар иш ўрни яратилган. Уларнинг асосий қисmini ёшлар ташкил қилади. Йил охиригача иш ўринлари сонини 100 нафарга етказишни мақсад қилганмиз.

Тошкент шаҳрининг энг гавжум туманларида ана шундай гаплар. Бу бир маҳалла ва саноат тармоғи мисолидаги ишлар эди. Кундан кун ривожланиб, чирой очётган шаҳримизнинг исталган бурчагига борсангиз, ана шундай янги ислохотларга кўзингиз тушади. Уларни ҳар кўни эшитилган, кўрпимиз ва бевосита ўзимизда ҳис этиялмиш. Шундан дилларимиз яйрапти.

Туризм

Сахарда чорва молларининг шовқинига сой сувининг шалдираши, қушларнинг сайраши, тонгдаги юмушларини туғатиб, кашта тикишини бошлаган момолар ва описингилларнинг хиргойилари, тоғ манзаралари уйғунлашиб, ажиб қишлоқ манзараларини ҳис қилишга имкон беради. Бу ажиблик кишига ўзгача завқ бағишлайди.

Қўлидан игна-ип тушмаган бу описингиллар авваллари ўларининг эҳтиёжи, қўни-қўшинига кўмак учун кашта тикиб, чеварлик қилган бўлса, бугунги кунда бу ҳуна уларнинг даромад манбаига айланган. Нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳлар ҳам улар тайёрлаган каштали сувенирлар ва бошқа маҳсулотларнинг харидори бўлиб улгурган. Мамлакатимизда туризм соҳасининг тобора ривожланиб бораётгани олис қишлоқ аёлларини ҳам мана шундай тадбиркорликка ундаб, ўзини ўзи банд қилишга имконият яратмоқда.

Лангар маҳалласи Навоий вилояти марказидан 120 километр, Хатирчи тумани марказидан эса 60 километр узоқликда жойлашган. Бу қишлоқни қадимдан кўрғонча дейишади. Бу манзил тоғ шаҳарчасини эслатади. Одатий маҳаллаларга ўхшамайдиган Лангарда табиат инъом этган гўзаллик бор. Пулвирқор тоғлари, мўъжаз маканлар, тоғлик аҳоли, қўлақламзор қишлоқлар — буларнинг барчаси сайёҳларни тобора ўзига жалб этмоқда.

Лангар

сaiёёхлик марказига айланмоқда

Албатта, сайёҳлик йўналиши бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бири. Туризмнинг асосини эса табиий ресурслар ташкил этади. Табиий ландшафтлар, дарёлар, тоғлар, минерал сувлар ва шифобахш булоқлар сайёҳлик имкониятларини янада оширади. Лангар туризм маҳалласи ана шундай имкониятлар натижасида сайёҳларнинг энг сеvimли масканига айланиб бормоқда.

Хушманзара қишлоққа тоғлар оралаб кириб бораркансиз, шу чекка жойда кўп қаватли уйлар дуч келишингиз ҳаёлингизга келмайди. Жарлик ёнидаги тошдан қурилган уйлар эса қишлоққа экзотик манзара бағишлаб туради. Ушбу ҳудудда маҳаллий аҳолининг кўчиб келиши XX аср ўрталарида геолог олим Ҳабиб Абдуллаевнинг Лангар вольфрам-молибден конини тадқиқ қилиши билан бошланган. Қон ишлаш бошлагач, унинг атрофига маҳаллий аҳоли қўчиб кела бошлади ва шу тариқа кичик кўрғонча пайдо бўлган.

Бугун қишлоқ ҳаёти ва табиати, маданий мерос объектлари, тоза ҳавоси, миллий таомлари ҳам маҳаллий ва хорижий сайёҳлар эътиборини тортган. Ушбу ҳудудда туризм ривожланиши натижасида 200 нафарга яқин ишсиз аҳоли, хусусан, хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Айни вақтда бу ерда 40 га яқин тадбиркорлик субъектлари мавжуд. Яқинда тадбиркорлар томонидан узунлиги 800 метрли зиплайн ва 200 метрли тибнинг, замонавий ресторан ва селфи зоналари ишга туширилиши сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун янги имкониятларни тақдим этди.

— Яқин кунларгача Лангар аҳолисининг асосий даромади чорвачилик эди, — дейди меҳнат фахрийси Эсонкул Исмоилов. — Сўнгги йилларда бу ерда жуда катта ўзгаришлар бўлиб, туризм ривожланди. Энди маҳаллий аҳоли сайёҳларга хизмат кўрсатадиган турли тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиб, яхши даромад тоپяпти. Оилавий меҳмонхоналар, миллий ҳунармандчилик намуналари, миллий таомлар ва бошқа қатор йўналишлардаги ўзига хос сайёҳлик хизматлари бу ерга келадиган меҳмонлар оқимини янада оширмоқда.

Дарҳақиқат, олис ҳудуддаги кичик кўрғонча бугун катта ўзгаришлар ва бунёдкорликка юз тутган. 3 мингга яқин аҳоли яшайдиган маҳаллада мактаб, 2 та мактабгача таълим таш-

килоти, шифохона ва 1 та тикув цехи бор. Кўп қаватли уйлар таъмирланди, янги йўлақлар, фаввора, болалар майдончаси, ўйингоҳ, спорт майдони қурилди, туғти ёритиш чироклари ўрнатилди. Натигада маҳалла янада кўркам ва жозибадор кўриниш касб этди.

Қувонарлиси, узоқ йиллар кўп қаватли уйлар таъмирланиб, сувни ташиб келтириш, ишсизликдан шикоят қилган аҳоли бугун ўзлари ташаббус қўриштиб, ҳам даромад топмоқда, ҳам ҳудуд ривожига хисса қўшмоқда.

— Маҳаллада 4 та ҳунарманд устaxonаси ташкил этилган бўлиб, қўшимча равишда ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича мастер класс хизмати йўлга қўйилган, — дейди Навоий вилояти туризм бошқармаси мутахассиси Ҳилола Худойбердиева. — Бу ерда

20 та оилавий меҳмон уйи ва 3 та дам олиш маскани фаолият юритаётир ва асосан, маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. 3 та умумий овқатланиш шохобчаси ва 10 та савдо нуқтаси сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Улар учун миллий таомлар тайёрловчи 15 та гастрономик хонадон фаолияти ташкил этилган. Сайёҳлар оқимини ошириш, аҳоли даромад манбаини кўпайтириш мақсадида 3 кунлик “Лангар туризм халқаси” турпакеши ҳам ишлаб чиқилган. Шунингдек, туризм турларини ривожлантириш мақсадида 1 та ов туризми объекти ташкил этилган.

Хатирчи туманига 2024 йилда 19 минг нафардан ортиқ хорижий сайёҳ келган бўлса, 2025 йилда эса 23 мингдан зиёд хорижий сайёҳ ташрифи кутилмоқда.

Навоий вилоятида туризм соҳаси жадаллик билан ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биргина 2025 йилнинг биринчи чораги аяқларини рақамларда таҳлил қиладиган бўлсак, вилоятда 52 минг 600 хорижий ва 269 минг 600 нафар маҳаллий сайёҳ ташрифи кузатилган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсish кўрсаткичи 1,2 баробарга ошди. Туризм экспорти ҳажми 15 миллион 800 минг долларни ташкил этди. Энг кўп хорижий сайёҳлар Германия, Франция, Хитой давлатларидан келган.

Юртимизда бўй кўрсатаётган барча ислохотлар замирида халқ мамлафати турибди. Туризм соҳасини ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини ошириш ҳам аҳоли турмушини фаровонлаштириш, орзу-мақсадларини амалга ошириш, барқарор даромад манбаи билан таъминлаш каби эзгу мақсадларга ҳамоханг. Бу эса Лангар — туризм маҳалласи мисолида янада яққол намойён бўлади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона ислохотлар, очиқ ва узоқни кўзлаган ташки сиёсат туфайли Ўзбекистон номи жаҳон ҳамжамиятида тобора катта хурмат ва эътироф билан тилга олинмоқда. Халқаро майдонда юртимизнинг обрў-эътибори мустаҳкамланиб, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу ютуқлар нафақат сиёсат ва иқтисодиётда, балки маданият ва санъат соҳасида ҳам ўзининг ёрқин амалий ифодасини топаётир.

Бунинг яққол тасдиғини жорий йил 3-7 июль кунлари Хитойнинг Чунсин шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар кинофестивалида Ўзбекистон делегациясининг муносиб иштироки ҳамда кўлга киритилган катта мукофот мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу халқаро анжуман мамлакатимизнинг юксалиб бораётган маданий салоҳиятини, миллий киномизнинг янги нафасини ва энг муҳими, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларининг мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Мазкур кинофестиваль “Технология ва фильм — ШХТ жозибаси” шiori остида ташкил этилди. Бу шiorнинг ўзидаёқ замонавий дунёда кино санъатининг инновацион технологияларсиз ривожлана олмаслиги, ШХТ маконидаги ижодий ҳамкорлик ҳам айнан шу йўналишда тараққий этиши лозимлигига оид чуқур маъно мужассам. Фестивалнинг тантанали очилиш маросими рақамли технологиялар, 3D-мэппинг, ёруғлик дизайни ва жонли ижронинг уйғунлигидаги ҳақиқий санъат ва технологиялар шoсуига айланиб, йнйилганларда унутилмас таассурот қолдири. 32 миллиондан ортиқ аҳолига эга мегаполисда, жаҳоннинг унлаб давлатлари вакиллари жамланган фестивалда айнан Ўзбекистон делегациясига фахрий меҳмон сифатида алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатилгани, анжуман давомида мамлакатимиз номи қайта-қайта хурмат билан тилга олингани, шубҳасиз, икки давлат ўртасидаги юксак ишонч ва ўзаро хурматга асосланган дўстона муносабатларнинг ёрқин ифодасидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Шухрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистон Кинематография
агентлиги директори вазифасини
бажарувчи:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар кинофестивалида Ўзбекистон делегациясининг иштироки ва эришган натижалари ҳақида гапирар эканман, бунни шунчаки маданий тадбир эмас, балки давлатимиз раҳбари томонидан олиб бoрилаётган очиқ ва фаол ташки сиёсатнинг, хусусан, маданий дипломатиянинг амалдаги ёрқин ифодаси сифатида баҳолашга тўла ҳаққимиз бор. Бугун биз кинони фақат санъат асари деб эмас, балки мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширувчи, давлатлар ва халқлар ўртасида ишонч кўприкларини қура олувчи муҳим стратегик восита сифатида кўроқдамиз.

Фестиваль давомида делегациямизга кўрсатилган юксак даражадаги эътибор ва хурмат, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган мустаҳкам дўстлик муносабатларининг самарасидир. Икки томонлама ҳамкорлик маданий-гуманитар жиҳада ҳам янги босқичга чиқмоқда. Фестиваль доирасидаги форумда ўтказилган музокаралар бунинг яққол исботи бўлди. Биз энди шунчаки фильм алмашишдан аниқ, йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ўтдик. Хитойлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда суратга олинаётган “Мени кутти” ва тарихимизнинг умумий саҳифаларини акс эттирувчи “Фарҳод ва Ширин” каби кенг миқёсли кинолoйиҳалар бунинг далилидир.

Буларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари томонидан миллий кинематографияни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор,



ТЕХНОЛОГИЯ ВА ФИЛЬМ — ШҲТ ЖОЗИБАСИ”

ХИТОЙДА БЎЛИБ ЎТГАН КИНОФЕСТИВАЛДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТДИ



маданий кўприкларни мустаҳкамлашдек умумий мақсад йўлидаги интилишлар яққол сезилиб турди.

Форумда сўзга чиққан Кинематография агентлиги директори вазифасини бажарувчи Шухрат Ризаев ўз нутқида давлатимиз

раҳбарининг эътибори билан Ўзбекистонда миллий кинематографияни ривожлантириш учун яратилаётган кенг имкониятлар, соҳада рўй бераётган туб ислохотлар ва халқаро ҳамкорлик борасида тўпланган тажрибалар ҳақида гапирди. Бугун ўзбек киносининг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаётгани, мамлакатимизнинг нафақат ўз кино бозорини ривожлантириш, балки ШХТ доирасида кенг қўлмал ижодий интеграция учун ташаббускор куч бўлишга тўлиқ тайёр экани фахр билан таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ташаббускор мамлакат сифатида ШХТ маконида қўшма кинолoйиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солишга шай. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда иккита йирик лoйиҳа амалга оширилмоқда. Улардан бири “Мени кутти” деб номланган замонавий драма бўлиб, у миллиати ва маданиятдан қатъи назар, ҳар бир томошабин қалбига яқин бўлган севги, тақдир ва инсоний муносабатларнинг мураккаблиги ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу лoйиҳанинг форум доирасидаги тақдироти



ИЖОДКОР УЧУН ЭНГ МУҲИМИ — ИШОНЧ ВА ИМКОНИАТ

Аюб ШАҲОБИДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, режиссёр:

— Режиссёр учун унинг фильми томошабин юрагидан жой олиши, мутахассислар томонидан эътироф этилиши — олий бахт. Хитойда ўтган нуфузли кинофестивалда “Баҳорни қувиб” картинасининг бош қаҳрамони роли учун актриса Раъно Шодиеванинг “Энг яхши актриса” деб топиллиши мен учун ана шундай унутилмас, ҳажонли ва ифтихорли воқеа бўлди. Бу ютуқ нафақат менинг ёки ижодий гуруҳимизнинг, балки бутун ўзбек киносининг сўнгги йиллардаги ютуқларининг бир бўлиғи деб биламан.

Ижодкор ўзини эркин ҳис қилганда, унинг фикрига қулоқ тутишганда, гоёлар қўллаб-қувватлангандагина юксак санъат асарлари яралади. “Баҳорни қувиб” фильми инсон тақдирининг мураккаб жиҳатлари, аёл қалбнинг изтироблари ва иродаси ҳақида ҳикоя қилади. Бундай чуқур психологик мавзуларни экранга олиб чиқиш учун нафақат ижодий жасорат, балки мамлакатингда шундай изланишларга имкон берувчи соғлом муҳит ҳам зарур. Шукрки, бутун юртимизда ана шундай муҳит яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг санъатга, хусусан, кино соҳасига қаратаётган улкан эътибори туфайли биз, режиссёрлар, ўз олдимизга катта бадий вазифалар қўйишдан, жамият учун муҳим бўлган мавзуларни кўтариб чиқишдан чўчимаямиз.



Кинематография агентлиги томонидан кўрсатилаётган моддий ва маънавий мадад бизга янги куч бағишламоқда. Бу мукофот Чунсинда қўлга киритилган бўлса-да, унинг пойдевори шу ерда. Ўзбекистонда, сўнгги йиллардаги ислохотлар ва янгиланишлар жараёнида қўйилган.

Менга ишониб, фильмини суратга олиш имкониятини берган раҳбарларга, ўз маҳорати билан қаҳрамон образини жонлантира олган истеъдодли актриса Раъно Шодиевага ва бутун ижодий гуруҳимга ўз миннатдорлигини билдираман. Бу эътироф бизни янада руҳлантиради. Халқимизнинг маънавиятини юксалтирадиган, Ватанимиз довругини дунёга ёдиган янги-янги фильмлар яратишга, Президентимиз ва халқимизнинг юксак ишончини оқлашга ваъда берамиз.

иштирокчилар томонидан қизгин кутиб олинди ва бу икки буюк маданиятнинг кино санъати орқали ўзаро ҳамкорлиги рамзи сифатида баҳоланди.

Иккинчи лoйиҳа эса халқларимиз учун умумий бўлган қадимий ва гўзал достонга асосланган “Фарҳод ва Ширин” номли кенг миқёсли тарихий-романтик киноасардир. Бу лoйиҳа шунчаки фильм эмас, балки умумий тарихий илдрларимизни, муштарақ қадриятларимизни экран тилида қайта кашф этишга қаратилган маданий ҳодисадир. Эътиборлиси, ушбу лoйиҳа икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги мулоқотлари ва ўзаро келишувлари натижасида ҳаётта таъбиқ этилаётгани унинг нақадар аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Тирик тарих” дастури доирасида Тожикистон билан “Юлдузлар ёғдуси: Жомий ва Алишер Навоий”, Россия билан “Масжид”, “Сеҳрли кўзача”, “Маржоний”, Озарбайжон билан “Мулла Насриддин”, Венгрия билан “Арминий Вамбери” каби лoйиҳаларнинг амалга оширилаётгани Ўзбекистоннинг ШХТ маконида нуфузли киномаконни шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг яққол исботидир.

Фестиваль давомида томошабинларга “Баҳорни қувиб”, “Узум”, “Уруш ҳали тугамаган”, “Актриса” ва “Уйга қайтиш” каби сара бадий фильмларимиз намоиш этилди. Бу картиналар орқали ўзбек халқининг

БУ МУКОФОТНИ ОҚИЛА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИГА БАҒИШЛАЙМАН

Раъно ШОДИЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист:

— Ҳаётимда унутилмас, ҳаяжонли ва бахтли онлар кўп бўлган, лекин Чунсиндаги нуфузли кинофестиваль саҳнасида Ўзбекистон номи янграб, каминга “Энг яхши актриса” мукофоти топирилиши айтилган лаҳзаларни ҳеч нарсага қиёслай олмайман. Ўша сонияларда бутун вужудим билан ҳис қилдимки, бу фақат менинг шахсий ютуғим эмас, бу — мен мансуб бўлган буюк халқнинг, гўзал Ватанимнинг ғалабасидир. Бу — янги Ўзбекистонда аёлга, санъаткорга бўлган юксак эътибор ва эҳтиромнинг халқаро саҳнадаги тантанасидир.

Актёр учун унга билдирилган ишончдан, мураккаб ва завворли ролни ишониб топширишларидан ортиқ бахт йўқ. Фильм режиссёри Аюб Шаҳобидиновдан менга ишонгани учун миннатдорман. Бу роль устида ишлаш жараёни машаққатли, изтиробли, айни пайтда завқли кечди. Мен нафақат пар аёлнинг, балки унинг тимсолида минглаб ўзбек аёлларининг сабрини, матонатини, иродасини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Агар шу ниятимга озгина бўлса-да эриша олган бўлсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Бугунги ютуқларимизнинг замирида Президентимизнинг биз, санъат аҳлига оталарча ғамхўрлиги ва эътибори мужассам. Айнан шу ғамхўрлик туфайли биз ўзимизнинг керакли эканимизни ҳис



қиялпмиз, улкан марралар сари интилишга, ўз устимизда тинимсиз ишлашга куч топялмиз. Давлатимиз томонидан яратилган шароитлар бизнинг ижодий парвозимиз учун қанот бўлмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, мени доим қўллаб-қувватлайдиган мухлисларимга, сеvimли халқимга, оиламга ва энг аввало, бизга ана шундай дориламон кунларда, тинч ва фаровон юртда ижод қилиш имкониятини яратиб бераётган давлатимиз раҳбарига чин қалбимдан ташаккур айтаман. Бу мукофотни менга чексиз меҳр бераётган халқимга, сабр-бардошли, меҳнаткаш ва оқила ўзбек аёлларига бағишлайман.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Тошкент — Чунсин — Тошкент



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдми.
Газетанинг етказиб берилиши учун убуани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
34972 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрсабз кўчаси, 85-уй